

Набака

**КҮНГИЛ
ХАЗИНАСИДАН
ҚАТРАЛАР**




84(55)6

10 31197
09,

Набаканинг ушбу илқ китобига ибратли қатралари жамланди.

Қатраларда меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғрилик, яхшилик каби эзгу гоялар акс эттирилади.

Тўплам азиз ўқувчиларда катта қизиқиш уйготишга умидвормиз.



09-06-05
ХГ-Н - _____ ША.
09-03-05

Набака. «Кўнгил хазинасидан қатралар». (Қатралар).

"Ҳаёт". А. 2004 й.

ИБРАТЛИ РИСОЛА

Ҳеч қачон манманлик йўлини тутма,
Ким эдинг, ким бўлдинг ва ким бўлурсан.
Аслинг ким, наслинг ким, буни унумта,
Ўзинг ўзлигингни билсанг, сен-эрсан.

Қўлимиздаги ушбу мажмуага муаллифнинг ўзи томонидан айтилган юқоридаги тўртликни энг муҳим ху-
лоса қилиб олинса, айни муддао бўларди. Чунки Аб-
дулҳамид узоқ йиллик кузатувлари, хуросаларини жам-
лаб, шундай оқилона, таъбир жоиз бўлса, файласу-
фона фикрни айта олган.

Инсон улуғ мўъжиза. Аммо шундай ҳолатлар бўла-
дики, баъзи дамларда у оддий жонзотга ўхшаб қола-
ди. Ўзига берилган улушни фаҳму фасоҳат, сабру -
садоқат, донишлигу диёнат билан безагандагина Ин-
сон ўз номига муносиб бўлади.

Абдулҳамид ана шу муносиблик ғоясини илгари
суради. Инсонлардаги ножоиз феълларни жонзот-
лар қиёфасида очиб беришга ҳаракат қиласди ва ҳар
бир ҳикоядан ҳаётий хуроса чиқаради. Шеърий хуло-
саларнинг ўзини бир бутун асар дейиш мумкин.

Жамиятимизда маънавий баркамол инсон тарбия-
си муҳим масала бўлиб турган бир пайтда ушбу ки-
тобча чоп этилиши айни муддаодир.

Назиржон САИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Муҳтарам ўқувчи! Набака, Абдураҳимов Абдулхамид Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги Төмирхўжа қишлоғида 1949 йил 9-сентябрда туғилган. Рисола муаллифи мактабда ўқиётган кезларида барча фанлардан яҳши ўқир эди, айниқса, адабиётга жуда меҳр кўйган. Ўзбек ва жаҳон классик адабиёти вакиллари асарларини қайта-қайта ўқирди. У 1966 йилда Андижон шаҳридаги 32-ўрта мактабнинг 11-синфини битириб, дурадгор-қурувчи ихтисослигига эга бўлди. Шу йили зилзиладан қаттиқ талофат кўрган Тошкент шаҳри қурилишига ишга борди. Тошкент шаҳри қурилишида ишлаётган пайтида ТКХМИИ институтига ўқишга кириб, 1972 йилда муваффақиятли тамомлаб, инженер-механик мутасислигини олган. У иш фаолиятида вилоятдаги ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ҳозирда Навоий номли ширкат хўжалигининг фаол аъзоси бўлиб ишламоқда.

Абдураҳимов Абдулҳамид - Набаканинг бу-илк китоби. Рисола мактаб ўқувчилари, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ушбу рисолани ўқиган китобхон яҳши таассуротларга эга бўлиб, ундан бой маънавий завқ олади деб умид қиласман. Равон, ширали тилда ёзилган масал, ривоят, ҳикоят, рубоий ва тўртликлар Сизларни ҳам руҳан төтиклиштириб, ҳаётга очиқ кўз билан қарашга илҳомлантиради.

Муаллифнинг ҳайрли ижодига оқ йўл тилайман.

*Иброҳим ҳожи Зоҳиджон ўғли,
Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси.*

ИСТИҚЛОЛ МУБОРАҚ

Бир мумтоз наво ин қурди жисмимга,
Қалбимни сарафроз этди истиқлол!
Вужудимда ёнар оташ-аланга,
Хурлик нури бизга келтирсин иқбол!

Истиқлол навоси - дунё садоси
Қалбимга ин қурди бу ажиб наво.
Бу порлоқ келажак тоза ҳавоси,
Наволар навоси янграп бебаҳо.

Истиқлол муборак, азиз замондош,
Унинг пок нурига чулғаниб бизлар,
Хурликда яшайлик қардош-елкадош,
Истиқлол абадий бўлсин, азизлар!

ТЕРАК ВА МАЖНУНТОЛ

Терак билан Мажнунтол ёнма-ён ўсар эди.

Мажнунтол Теракдан суради:

- Нега бунча гердайиб яшайсан ?

Терак жавоб килди:

- Сен каби мунгайиб, ҳокисор бўлиб узоқ яшагандан кўра, тик туриб бошимни кўтариб яшашни маъқул кўраман.

Аъзомиз улуғи бош эзур бешак,

Бошни баланд тутгил, хеч эгилмасин.

Эгик бошдан чиқмас журъат, яхшилик

Умринг залворидан гулласин замин.

ҚАРҒА ВА ҲАРСАНГОШ

Қарға водийда ётган бир Ҳарсангошнинг устига келиб қўнди. У чуқур хаёлга чўмиб сўнгра деди:

- Наҳотки, уч юз йил илгари тумшугимда олиб келиб ташлаган ўша тош сен бўлсанг?

Ҳарсангош Қарғага деди:

Ҳа, ростдан ҳам ўша сен ташлаб кетган тошча менман. Ҳаётнинг яхши кунлари ва даҳшатли синовларига бардош бериб, сабру қаноат билан бир ерда яшасанг, униб -ўсиб улғаяр экансан, кўриб турганингдек кичкина тошчадан Ҳарсанг тошга айландим.

Сен түғилган юртинг - сенинг Ватанинг,
Ватанни улуғла, камол шундадир.
Богинг ҳам гулшанинг, жаннат-Ватанинг,
Ватан тупроғи зар, тошлари зардир.

ТҮТИҚУШ

Түтиқушни улусга бош қилишди. Унинг атрофига барча қушлар парвона бўлишди.

Узоқ вақт шундай ҳолат давом этди. Түтиқуш ўзи билганини такрор-такрор айтаверди. Ундан ҳеч қандай янги фикр чиқмади. Қушларнинг ихлослари қайтиб, унинг хузурига келмай кўйишди. Түтиқуш ўйлана-ўйлана, ўзига - ўзи деди:

- Ўз ошёнимга бориб, уни обод қилиб, ўзлигимни намоён этиб яшаганим маъқул экан.

Нодонлар билмасдан тиканни босар,
Билмаган юмушга қўл урмагин ҳеч.
Нодонлик эл ичра шарманда қиласар
Ақл чироғин ёқ, бўлмасидан кеч.

ИРМОҚ ВА ДАРЁ

Ирмоқ оқа-оқа Дарёning қирғоғига бориб тұхтади. Дарё Ирмоққа қараб:

- Нега түхтаб қолдинг, кел, менинг үзанимга қүйил деди.

Ирмоқ күрган-билганинни хаёлдан ўтказиб, Дарёга қараб: Сен азим Дарё бўлиб, ичгани бир қултим сув бермасанг, сенинг борлигинг кимга керак,-деди-ю, бошқа томонга қараб оқиб кетди.

Тоғда чўққи бўлсанг, эрисин қоринг,
Сувингдан яшнасин водийлар, боғлар.
Киборлар ичидан даҳо бўлсанг-да,
Элга наф бўлмаса, даҳолик бекор.

ЧУМОЛИ ВА ГЎШТКЕТДИ

Гўшткетди Чумоли билан учрашиб қолиб, унга деди:

Кечаси-ю кундузи тиним билмай ишлайсан, ҳаётда роҳатингни кам кўраман, менга ўхшаб мазза қилиб яшасангчи?!

Чумоли Гўшткетдига деди:

- Сенга ўхшаб харом ўлаксаларни тановул қилиб, текин тамоқ бўлиб яшаб роҳатланишдан кўра, тинмай, ҳалол меҳнат қилиб, покиза яшашни афзал кўраман.

Ҳалолда роҳату фарогат мавжуд,
Покиза ҳаётда ажиб ёғду бор.

Харомдан ҳар доим ёнгандир вужуд,
Ҳалол тан ҳур бўлгай, юздан нур ёғар.

БИНОЛАР

Осмонўпар бинонинг юқориги қавати биринчи қаватига деди:

- Мунча пастсан, мунғайиб, кўримсиз бўлиб турибсан?

Бир қаватлик бино жавоб қилди :

- Шунчалик кибру ҳавога берилиш яхши эмас, сенинг қаддингни кўриб жуда хурсанд бўлиб турар эдим, бу гапингдан кейин сендан бироз ихлосим қайтди. Агар мен каби бир хокисор кўтариб турмаганда, сен ерга қоришиб кетар эдинг.

Биродар, обрўга эришмоқ қийин,
Бошинг кўкка етсин, камтарроқ бўл.
Кўллаганлар сенинг камолинг кўрсин,
Ўзгалар дардини дардим дея бил.

ТОЛ ВА ЧИНОР

Кекса бир Тол Чинордан сўради:-Сенга хавасим келади, нега бунчалик забардастсан ва узоқ умр кўрасан.?

Чинор деди:

- Бойси шуки, томирларим кўп, илдизларим бақувват, чуқур ва узоқларга кетганлигидандир.

Дунёга келишлик - кетишлик бирдир,
Ҳаётда дўст орттириб, азиз биродар.
Ҳар бир дўст сен учун кучли томирдир,
Агар ёлғиз бўлсанг, азобинг ортар.

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАРДАН БИРИ

Йўлбарснинг боласи отасига деди:

- Отажон, нега қашқирлар галасини кўриб яшириндик, кўрқдингизми?

Йўлбарс деди:

- Болам, улар жуда кўпчилик эдилар, агар ҳаммаси бирлашиб бизга ҳамла қилишса, шакшубҳасиз аҳволимиз танг бўлур эди.

Замиnda яшашлик улуғ неъматдир,
Эҳтиёткорлик ҳам бир фазилатдир.

АҚЛЛИ МАЙНА

Майнага айтдилар:

- Сен лочин бўлишни хоҳлайсанми?

Майна бироз сукутдан сўнг, «Мен умуман Лочин бўла олмайман, агар Лочин бўлган тақди-

римда ҳам, бошқаларга калакаланиб Лочин
бўлиб яшашдан кўра, Майна бўлиб яшашни маъ-
кулроқ биламан»-деб маъноли жавоб қилди.

Ҳамманинг ўз ўрни бордир ҳаётда,
Жилғалар ариқ бўлар, ариқлар дарё.
Кичиклар бўлмаса, қаердан катта -
Пайдо бўлар экан, айтчи, фузало?

ХУДХУДНИНГ БОЛАСИГА НАСИҲАТИ

Худхуд боласининг ҳеч омади юришмади.
Қайси соҳада бўлмасин, иши ўнгидан келмади.
Бир куни у отасининг ҳузурига келиб деди:

- Отажон, жуда қийналиб кетдим. Мен учун
дунёнинг қизиги, маъноси йўқقا ўхшайди.

Кекса худхуд деди:

- Болагинам, ҳаёт энг улуғ неъматдир. Ҳаёт-
га келмай кетганлар қанча. Ҳаётда сўқир, чўлок,
маймоқ ва бошқа нуқсонлари бўлган такдирда
ҳам яшаш керак. Ёмон бўлсанг ҳам, омон бўл
деганлар. Яхши ният, тилак, орзулар билан яша-
санг, муродингга етказур. Тўрт мучалинг соғ ва
саломат, бундан улуғрок баҳт бўлмас. Ҳаётдан
нолиш яхши бўлмайди, омон қолмайди.

Сен билмаганингни ўрган.

Бор имкониятларингни ишга солиб, эркин

яшагин, кечаги кунинг сенга сабоқ бўлсин. Бу-
гун ва эртанги кун ташвишини қил. Зеро, шунда
сен муродингга етгайсан.

Ҳаёт нашидаси буюк неъматдир,
Ҳаётга келмасдан кетганлар кўпдир.
Ақлинг чирогида яша фаровон,
Ҳаёт гулшанини қилиб чароғон.

НУР ВА ЗУЛМАТ

Зулмат деди:

- Эй Нур, нега ҳузур-ҳаловатимни бузиб, бағ-
римни тилиб, дилимни доғлаб, кўнглимга гулгу-
ла солиб, тилка-пора қилиб қувонасан ?

Нур деди:

- Дунё яралгандан буён сенинг висолингга
етишиш учун шошаман. Сен доимо мендан қоча-
сан. Менинг сенга бўлган муҳаббатимдан буюк-
роқ муҳаббат жаҳонда йўқдир.

Зулмат деди:

- О Нур, сен билан висол онларига етишиб
ошуфта бўлсак, мен учун бундан улуғроқ баҳту
саодат бўлмас эди.

Нур деди:

- Зулматгинам, Сенинг висолингга қонмасам-
да, мангу ошиқ бўлиб қолайин. Эҳтиросларга
берилсак, ёруғлик ва зулмат оламида яшаётган

мавжудотларнинг ҳоли не кечгай?! Биз мангу ошиқлармиз.

ҚУНДУЗ БОЛАСИ

Қундузниң боласи сўради:

- Онажон, Темирхўжа қишлоғининг қамишзоридаги сувда турган эдим, сув ичгани келган Қоплон боласини арслоним деди, Қашқир эса боласини йўлбарсум деди, хайронман, нега улар ўзларининг номлари билан айтмайдилар?!

Қундуз боласига:

- Болажоним, улар ҳасад билан эмас, ҳавас билан болаларини эркалатган бўлсалар, ўз кўнгилларини овутгандирлар. Аслида ҳамма жоноворлар кимлигини ва қандай ишларга қодир эканликларини яхши биладилар.

Яхшилар яхши дер ҳасаддан ҳавас,

Яхши тилак қилсанг, яратган берар.

Мард бўлишни орзу қилса-да нокас,

Ҳар ким бу ҳаётда сочганин ўрап.

ОТ-ОТ БИЛАН

От яйловда сайру сайёҳат қилиб чарчади.
Бир сўлим гўшага келиб тўхтади. Шунда унинг ёнидан эски таниши Эшак ўтиб қолди.

От Эшаквойни чақирди. Улар бироз сұхбатдан сүңг улфатчиликни бошлаб юборишиди.

Икковлон мириқиб кайфу сафо қилишди. Улар гаплашмаган соxa қолмади. Узун - калта, катта-кичик, паст-баланд, ориқ-семиз, яхши-ёмон, оқ-қора, хуллас, ҳамма соxаны ўзларича баҳолашди. Кайфда айтилаётган гапларнинг тутруғи кетиб маъноси қолмади.

Улар туришга жазм қилишганда Эшаквой ту-ролмай, йўлига юролмай қолди. От Эшаквойни еталади, бўлмагач, иложсиз елкасида кўтарди. Кўрингланларга калака ва уятли бўлди. Охири Эшаквойни яйловнинг бир четидаги дарахт тагидаги ажриқнинг устида қолдириб кетди. Эртасига От хушига келгач, ўзига-ўзи деди:

- Мени Эшаквой билан улфатчилик қилиб топган мазам қаерда қолди-ю ва нимага эришдим. От-от билан, эшак-эшак билан бўлгани маъқул экан.

Бу фоний дунёда улуғлар кўпдир,
Ўзини билмаган нодонлар ҳам бор.
Бежо қадам боссанг, сени тарқ этар
Мисқоллаб йигилган обрў, зътибор.

ТУЛКИ-ТАБИБ

Тулки ўзини ҳамма дардларни даволовчи табиб деб овоза қилди.

Уни эшитган жуда кўп ҳайвонлар шифо топиш мақсадида Тулки табиб хузурига келишди.

Ҳайвонларнинг баъзилари бироз шифо топишди. Кўпларининг дардларига яна бошқа дардлар қўшилди.

Кунлардан бир куни Тулки табиб хузурига Оҳу кириб келди. Оҳу ўзининг фарзандсизлигидан шикоят қилди. Тулки табиб ҳар хил дуоларни ўқиди, ёзди ва дори-дармонлар тайёрлади.

Кейин Оҳунинг орқаларини силаб, елкаларини уқалаб ҳушомад қила бошлади. Оҳу дарғазаб бўлиб, сен кимсан-у, сен сабаб бўлиб топилган фарзанд ким бўлар эди деб, Тулки табибни чунонам тепдики, Тулки табиб уй ичкарисидан ташқарига юмалаб чиқди. Ташқаридагилар қархисида қонталаш бўлиб кетган Тулки табиб кулги бўлди. Воқеадан боҳабар бўлган эл аро Тулки табиб кулги, шарманда-ю - шармисорликда қолди.

Ҳар сўзда надонлар ўзини мақтаб,

Нораво зўрлигин овоза қилар.

Доно холисона зўр ишлар қилиб,

Оlamни тебратар, баҳр олар башар.

МАҚТАНЧОҚ ҲАККА

Ҳакка гүшасида тухумларидан полопонлар очиб чикди. Уларни асраб авайлаб боқиб вояга етказди. Полопонларнинг бири доно, бири до-нишманд, бири устомон, яна бириси мақтанчоқ бўлиб, балогатга етдилар ва мустақил ҳаёт ке-чира бошладилар. Мақтанчоқ полвон тасоди-фан гавҳар топиб олди.

У гавҳарни оғзига солиб олиб, юрган йўли-да «менинг гавҳарим бор» деб мақтанаверди. Унинг мақтанчоқлиги кўпчилик қушларнинг аса-бига тегди. Бир куни мақтанчоқ Ҳакка Калхат-нинг ёнидан ўтаётиб «менинг гавҳарим бор» деб мақтаниб қолди. Шунда оғзидағи гавҳар тушиб кетди.

Калхат Ҳаккага деди:

- Мақтанчоқ ва асаббузарларнинг ахволи шу-дир. Сендан бирор сўрамаса, ўзгалар талаб қил-маса хам вайсайвердинг, охир-оқибат бор би-сотингдан айрилдинг,-деб гавҳарни олиб, балан-дликларга парвоз қилиб кетди.

Сендан сўрамаса, ҳуда-беҳуда -
Сўзларни гапириб кўнгилни бузма.
Айтиб-айтмайдиган гап кўп дунёда,
Билиб-билмай ғурбат комида сузма.

БУРГУТ ВА ТОВУС

Товус Бургутни севиб қолибди. У Бургутни кўрди дегунча, турли жилокор бўёкларга бўяниб, ял-ял товланиб, Бургутнинг атрофида хиром айлаб, қадди қоматини ростлаб, кўкракларини чиқариб, ноз-у ишва, карашмали кўзларини сузиб, Бургутни ўзига ром қилишдан тўхтамабди. Бургутнинг кўнгли эриб, Товусни ёқтириб қолибди ва унга уйланибди.


Улар бирга ҳаёт кечира бошлишибди. Бургут Товусни бирга етаклаб, азим шаҳарлар, далалар, даралар, водийлар, дарё-денгиз-чўллар, ўрмон-у саҳролар, тоғларни кўрсатибди.

Товус Бургут билан дунё бўйлаб сайр қилиб ўз тоифасидагилар ва ўзга паррандаларни на зар-писанд қилмай қўйибди.

Бундай муносабатдан нафратланган хўроэлар Бургутнинг овга кетган пайтини пойлаб, Товусни тутиб олишиб, патларини битта-битталаб юлишиб, оёқларини синдириб кетишибди.

Бургут овдан қайтиб келиб қараса, Товуснинг аҳволигавой.

Бургут хомуш, афсус-надоматлар чекиб, неки бўлса ҳам, ўз асли наслингдан қолмагин экан деб, Товусни ташлаб, ўз қоясига учиб кетибди.



Қавмингга содиқ бўл, пойини ўпгин,
Сен ўша масканда камол топгансан.
Баҳт-у саодатни қавмингдан топгин,
Бек бўлиб қувониб яйраб-яшнайсан.

ОТ ВА ТУЯ

От куз фаслининг охирларида бир яйлов четида хориган, хомуш ҳолатда турган эди, багогоҳ унинг олдига түя келиб тўхтади ва Отдан сўради:

- Бунча хомуш кўринасан, бирор нарсангни йўқотдингми?

От унга жавобан:-Ҳа, йўқ, мендан бепарвонлик ўтибди, беда қишлоғга бор-у, бироқ арпа, маккажӯхори ва бошқа заҳираларни жамғармабман. Эшишимча, сен бойиб кетибсан, баҳортча етгулик захирангдан бериб туролмайсанми, келгуси йилда икки ҳисса қилиб қайтараман,-деди.

Түя:

- Хадеб ўйноқлаб ўёқ-буёқقا чопиб юравермасдан, ақлингни ишлатмайсанми?

От Туяга деди:

- Биродар, ҳаёт бир текис кетавермас экан, гоҳида равон, гоҳида нотекис бўлиб қолар экан, шундай ҳолатга биринчи бора тушиб қолдим.

Сенга бир ривоят айтиб берайин:

Қадим замонларда бойлигини йүқотган мен каби бир бадавлат зот юрган йўлида ақлим бору, мол-у давлатим йўқ дейишга тушибди. Кунлардан бир куни гузарда ўтирган бир бойвачча ақли бор зотнинг сўзини эшитиб қолиб, уни ёнига чақириб «сенга қанча маблағ керак?» деб сўрабди. Ақли бор зот бойваччага қараб, «минг тилло берсанг, сенга ўн беш кундан кейин ўн ҳисса қилиб қайтариб бераман» дебди. Бойвачча ақлли зотни яхши билгани учун ўйланиб ўтирмай хамёнидан роппа-роса минг тилло санаб берибди. Ақлли зот минг тиллони олиб бозорга бориб юзта эшак, икки юзта қоп олиб, гузар ёнидан ўтаётганда гузарда ўтирган шинавандалар: -Хў, ақлли зот, нималар сотиб олдинг?-деб сўрашибди. Ақлли зот қилган харидларини айтганда, гузардагилар: «Ақли борнинг қилган ишларини қаранглар», -деб унинг устидан роса кулишибди.

Ақлли зот ҳам бир оз зил кетибди, эътироzlарга бепарволик билан кузатиб ўтирган бойваччага роса ўн беш кундан кейин мени шу гузарда кутиб олгин деб йўлига равона бўлибди.

Бойвачча таассуф билан: «Охири баҳайр бўлсин» деб қолибди.

Ақлли зот ўн беш кундан кейин гузарда ку-

тиб ўтирган бойваччанинг хузурига келибди. Уни кўрганлар «Нима олиб келмоқдасан, Ақлли зот?»-деб сўрашибди.

Ақлли зот уларга юз эшакка икки юз қоп тезак ортиб келаётганлигини айтибди. Бу гапни эшигнлар роса масхара қилишибди: «Қаранглар, мол-мулки йўқ ақлликнинг қилган ишини», - деб кула-кула қотишибди.

Бойваччанинг ичи жиззилаб кетибди. Бироқ Ақлли зотнинг илгари анча обрў-эътиборли киборлар муҳитида юрганини назарда тутиб, тинчланиб, сир бой бермабди.

Ақлли зот бойваччага «Ўз уйингга етакла», - деб мурожаат қилибди. Улар бойваччанинг уйига боришибди. Сўнгра Ақлли зот бир қопнинг оғзини очиб, икки дона тезакни синдирибди, тезакларнинг ичидан дуру гавҳарлар чиқибди. Бойвачча ҳам тезаклардан олиб синдирса, улардан ҳам қимматбаҳо тошлар, олмос, тиллолар чиқибди. Шу алфозда хона қимматбаҳо жавоҳирларга тўлиб кетибди. Бойвачча бу ҳолатни кўриб, эсанкираб қолибди. У умрида бу қадар кўп бойликни кўрмаган экан-да.

Бойвачча сўрабди:

- Сен бунча бойлик, катта хазинага қандай эришдинг ёки афсунгармисан?

Ақлли зот, «Сен туфайли» деб, бироз сукут-

дан сүнг шундай жавоб қилибди:

- Тонг сахарда қушлар шарққа қараб учадилар, шомда эса ғарбга томон қайтадилар. Мен ўша ғарбдаги бир катта тоғ ёнбағридаги ўрмона зорга бордим ва у ерда тунда қушларни пойлаб ётдим.

Биламанки, қушлар ялтироқ тош ва буюмларга ўч бўладилар. Улар дараҳтларга қўниб жойлашиб олишгач, гақиласланларида тумшуқларидан қимматбаҳо, тошу-буюмлар ялтираб ерга тушади. Мен эса ўша ялтироқ жисмларнинг устига эшакларнинг тезакларидан ёпиб қўявердим, кундузи уларни олиб қуритиб қопларга жойлайвердим.

Бойвачча, Ақлли зотга тасаннолар айтиби.

Шунда ақлли зот айтиби: «Менинг молу давлатим йўқлигини ҳамма билади, шу боис бу дуру-гавҳар, жавоҳирларни сен бозорга олиб бориб сотасан. Акс ҳолда, мени сўроқ қилишиб, ўғрига чиқариб, жазолашлари мумкин. Қопларда тўла тезак деб айтганимнинг сабаби ҳам шул эрди. Сен бу нарсаларни сотсанг, суриштиришмайди, чунки сен бойваччасан.

Шундай қилиб, ақл тантана қилган экан, деб ривоятни тугатиби.

Туя ривоятни эшитиб, кулиб, Отга: «Сен ҳам менга ўхшаб ишла, емай, ичмай, тўпла, бошқа-

лардан сўрамайсан», -дебди.

От ўзига-ўзи деди:

Рұхингни бардам қил, сен дунё кезиб юрган бўлсангу, бир хизматкор тия олдида забун кетдинг-а. Бироз қийинчилик ўтиб кетади. Ақлингни ишлат, чора-тадбириңгни кўр. Яна яхши кунлар келади.

Илм-билим, заковат мардга ярашар.

Мардларни қўллагин, қилмагин муҳтоҷ.

Номард, паст, нотавон юзин қаро қил,

Мардларнинг бошида ярақласин тож.

ЧАЁН ВА ҚОПЛОН

Қоплон ўрмонда кезиб юриб чанқади ва чуқурликда ётган харсангошга кўзи тушиб, сув топиб ичиш мақсадида уни кўтарди. Кайси кўз билан кўрсинки, қўлида чаён турибди. Чаён нишини гажоқак қилиб бор кучи билан найзасини қоплоннинг қўлига санчди. Қоплон оғриқ зарбидан харсангошни ташлаб юборди ва чаёнга деди:

- Эй чаён, мен сенга не заرار етказдимки, заҳарли наштарингни қўлимга санчдинг? Энди мен сени мажақлаб, эзғилаб ўлдираман.

Чаён:

- Сен қўполлик қилиб менинг оромимни ва

хузур-ҳаловатимни бузиб, безовта қилдинг. Сенинг кучинг билакларингда бўлса, менинг қувватим наштаримдадир. Ҳар ким ўз имкониятича иш қиласди. Сен мени нобуд қилсангда, бир умр эслаб юрасан. Умрингни қолган қисмини эҳтиёткорлик билан ўтказгин, - деди.

Қоплон «Ёмон ўлаётганда ҳам ёмонлигини қилиб ўлар эканда» деб, бақувват панжалари билан чаённи эзгилаб ташлади.

Ҳаёт, бу-мактабдир, улуғ салтанат,
Бундадир ширинлик, лаззат, заҳар ҳам.
Ҳаётинг роҳатин бузарлар, ҳайҳот,
Гоҳида номардлар, жони кетса ҳам.

БОЙЎҒЛИЛАР

Икки донишманд бойўғли вайронга устида ўтириб суҳбатлашиб қолдилар. Бири иккинчисига деди:

- Биродар, бу читтак еб тўймас эканда. Тонг қоронгусидан то тун қоронгусига қадар ишлайди. Бир қанча қасрлар пайдо қилиб қўйди, унинг мақсади нима экан?

Бизлар катта-катта ўлжаларни қўлга киритсакда яшашимиз яна шу вайронга.

Иккинчisi биринчисига деди:

- Ҳа, биродар, бари касаллик шундада, кор-

нимиз түйди дегунча мудраб, пана жойда ётамиз. Уйғониб, яна қолган-қутганини еймиз. Қорин балосидан бошқа ҳеч нарсаны ўйламаймиз. Қалбимизда ишқу хавас йўқ. Читтак бўлса, ўзидан эҳсон, эҳромлар қолдириб жамиятнинг янада ривожланишига салмоқли улушини қўшмоқда. У тўймайди эмас, тўяди. Бир авлиё тўймайдиганлар ҳақида шундай деган экан:

Ўчоқ ўтинга, олим илмга, ер ёмғирга, аёл зеркакка, кўз қарашга, гадо тўплашга, хассис молу давлатга, денгиз сувга тўймайди.

Борликда бормисан, қил яхши ният,

Яхшига хавас қил, қилмагин хасад.

Худа-бехудага кетказмагин вақт,

Гўшангни гулшандек обод қил, обод.

КАККУ ВА ҚУМРИ

Қумри тухум қўйиб, уясида босиб ётган эди, қорни очиб, егулик излаб кетди. Буни кузатиб турган Какку Қумрининг уясига келиб, Қумрининг тухумларини иргитиб ташлаб, ўзининг тухумларини қўйиб кетди. Қумри қайтиб келиб ҳеч нарсадан бехабар яна тухумларини босиб ётаверди ва ниҳоят икки нафар полопонларни дунёга келтирди. Полопонларни асрраб-авайлаб, ғарқи қилиб учирди. Улар бирор марта ҳам ку-

кулаб сайрашмади. Аксинча, какку-какку лаб овоз чиқаришиб, Қумрини ташлаб учиб кетдилар.

Қумри «болам»лаб, зор-зор йиғлаб, хомуш утирган эди, унинг қаршисига Какку келиб қўниб, Қумрига деди:

- Қумрихон, кўп койинма, яратганинг ўзи берса, яна полопонли бўларсан, нафснинг кўйига кириб кетганингда тухумларингни нобуд қилиб, ўз тухумларимни қўйиб кетганман.

Баднафсликнинг оқибати шудир.

Дунёда золим шоҳ-қорин дейдилар

Нафсингнинг измида жон кетур, ҳайҳот.

Буюкларнинг буюги сабрни суяр,

Фофил бўлма, ўйлаб, қулочингни от.

ТОШ ОТДИЛАР.....

Жоҳиллар:

Паррандага тош отдилар, у боласини ташлаб учди. Ҳайвонга тош отдилар, боласини ташлаб қочди. Нахангга тош отдилар, боласини ташлаб сузиб кетди. Одамга тош отдилар, боласини тўсди, яна тош отдилар, боласини қучиб ўзини тошга тутди, яна тош отиб, тошбўрон қилдилар, одам боласини бағрига босиб ерга ётди, бор жон-жаҳдлари билан ғазабкорликда қаттиқ тош-

бўрон қилишди. Одам оламдан ўтди, боласи тирик қолди. Улар одамнинг улуғ эканликларига тан бериб, тасанно-ташаккурлар айтиб тиз чўкиб таъзим қилдилар.

Борлиқда одамдан улуғ зот йўқдир,
Одамнинг сиймоси, руҳи ҳам улуғ.
Жаҳонда одамдан кучли зот йўқдир,
Одамнинг қадами, нафаси қутлуғ.

ЧУМЧУҚ ВА ФИЛ

Чумчук Филнинг ҳузурига келиб:

- Ҳой Фил, мен ҳақиқат излаб юрибман. Мени қарғалар таҳқирлаб хўрладилар. Қозининг олдига бордим, Қози Калон ҳузурига кирдим, ундан каттасига ҳам юзландим, барибир ҳақиқат қилишмадилар,-деди.

Фил чумчукка шундай жавоб қилди:

- Кимнинг ҳукуки кўп бўлса, унинг гапи вақтинча ҳақдир. Чумчуквой, улар неки айтган бўлсалар, тўғри айтгандирлар. Ҳақиқат, бу-нисбий тушунчадир.

Аслида ҳақиқат, бу - қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшишиб, онг билан идрок ва тафаккур этишдир.

Шундай ҳолатда ҳақиқат дарҳол рўёбга чиққусидир.

Шудрингдек мусаффо тонғги сабода,
Хақиқат ёқимли эсган шаббода.
Хақиқат меваси, лаззати шароб,
Хақиқат оловдир, хақиқат - офтоб.

ЯЛҚОВ БИЛАН КИЙИК

Дарахтга осилиб ётган Ялқов Кийикка деди:

- Бунча югуриб елмасанғ, ирмоқдан-ирмоққа,
қоядан қояга сакрайсан, мен каби осойишта
роҳат-фароғатда яшаб юрмайсан, сендан кўра
узоқроқ умр кўраман, сенинг ҳам, менинг ҳам
кунимиз ўтмоқда.

Кийик кулимсираб Ялқовга деди:

- Эй биродар, мен елиб югуриб дунёни сайр
қиламан, борлиқнинг барчаси сен билан биз учун
яратилган, сендан озроқ умр кўрсам-да, баракали
ҳаёт кечиришни истайман. Умримнинг борича
ҳаётдан завқланиб яшаш учун интиlamан.
Сен узоқ умр кўриб яшасанг-да оламдан кўз
юмганингдан сўнг: «Ялқов ўз умри давомида
тўрттагина дарахтни кўриб ўтди», -деб қўйиша-
ди.

Бу маскан беҳисоб, ранго-ранг олам,
Оламни идрок қил, тафаккур қилгин.
Сен ундан илҳому қувончу завқ ол,
Қувониб яшашлик баҳту таҳт билгил.

СУВ ВА ЧОЙЛАР

Кўк чой Қора чойга деди:

- Мени ичганларни бир баҳяда чанқоғи қолади, кўп дардлар учун шифобахшман.

Қорачой Кўкчойга деди:

- Мен нақадар хушбўй ва ҳузурбахшман, мен ҳам дардларга шифобахшман.

Шунда камтарин, ҳокисор сув тилга кирди:

- Ҳов, азизлар, мени паққос унудингларку, менсиз, сизлар ҳеч нарсасизлар. Сизлар қаддингларни кўтариб, бош бўлиб кўрингач, кибру ҳавога берилиб асосий танани унутиб қўяр экансизлар

Агар сен бош бўлсанг, танадан деб бил.

Танинг ғамида яшагин бардам.

Танани ҳамиша бақувват қилгил,

Зеро, азиз бошга тушмасин шўр, нам.

БАРГ ВА КАНА

Барг титради, барг ингради, барг нола қилди, азобда дардли борликқа ҳайқирди, унга ҳеч ким эътибор бермади. Баргнинг устида ўтириб, ётиб, гажиб еб, мазза қилиб яшаётган Кана Баргга деди:

- Кўрдингми, оҳу зорингни ҳеч ким эшитмай-

ди ва қулоқ солмайдилар ҳам. Сен тортаётган азобу үқубатлар менга роҳат бағишлийдиган озуқа беради. Кана баргни шиддат билан ея бошлади, ғарт-ғарт, шатр-шутур товушларини эшигтан Худхуд баргнинг устидаги Канани кўриб, уни бир чўқиб, тумшуғида юлиб кетди.

Барг озиқланди, яралари битиб, яна ўз ҳолатига келди ва ўзига ўзи деди:

- Золим озгина роҳатланиб, зўрлик қилиб қонни сўргани билан ундан зўрроғи жонини суғуриб олди.

Биродар, билмасанг билгандан сўра,

Адолат мезони, ўлчовлари бор.

Йўл юриб, бир тўхтаб атрофга қара.

Кетма имон, инсоф виждондан зинҳор.

ОЧҚЎЗ ТАКА

Така далалар кезди, тоғларда юрди, ўрмонларга кирди, хуллас, ҳамма жойда ризқу насибасини териб юрди. Ўртаҳол бўлиб яшади. Кунлардан бир куни кўм-кўк гўзал водий қаршисидан чиқиб қолди. У зўр иштаха билан ҳар хил неъматларни тановвул қилди, қорни тўйса ҳам, очқўзлик хирси уйғониб, ётиб ҳам еяверди. Кейинги кунлар ҳам шу алфозда давом этаверди. У озгина давр ичида емишнинг турли-туман ва

кўплигидан семириб ялтираб қолди. Такавой босар-тусарини билмай, еганини еб, емаганини пайхон қила бошлади. Такавой семизликдан ўзини кўтара олмай ётиб олиб, ҳеч қаёққа эътибор бермай, барра ўт-ўланларни еяётган эди, бир Бўри оҳиста келиб, бор зарби билан ташланиб, Таканинг бўйнидан тишлади, сўнг кекирдагини узиб ташлади. Очкўз ва баднафс Таканинг тўплаган гўшт-ёгини мазза қилиб тановул қилгач, қолган майда-чуйда бўлакларини ўлаксаларга қолдириб кетди.

Бу ҳаёт мактабдир, илм ила урфон,
Ҳаёт бу синовдир, улуғ имтиҳон.
Очкўзлик жисмингта ёғдирар тўфон,
Бемеҳнат бойликдан азобланар жон.

ДЎСТЛАР

Икки дўст ниҳоятда аҳил, бир-бирларининг кўнгиллари хамнафас, дили-дилига мойил, хуллас, ораларидан қил ўтмас эди. Улар муаззин пешин намозига аzon чақираётган пайтида гурунглашиб ўтиришиб сармояларини тенг миқдорда қўшиб, биргалашиб бойлик тўплайдиган бўлишди. Уларнинг қилган саъй-ҳаракатларининг натижалари яхши бўлди, анча бойлик тўпланиб, салмоги кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Бойлик түплаш даврида бирининг ўзига таалуқли ишлари кўпайиб кетган эди, шу сабабли айрим жараёнларда иштирок этолмади.

Тўпланган бойликни бўлиш вақти келди. Иккинчи дўст биринчисига деди:

- Дўст, қилинган ишларда кўпинча сиз иштирок этмадингиз, энди адолат тарозиси билан ўлчасак, сизга камроқ, менга эса кўпроқ улуш тегади.

Орадан гап қочиб низо чикди. Улар қозининг олдига бордилар. Қози уларнинг фикрларини тинглаб, сўнг улар билан якка-якка тартибда суҳбат қилди ва яна зартага келишларини айтиб руҳсат бериб юборди.

Иккови ҳам хуфя тарзида уйидаги сармоядан қозига олиб бориб бердилар ва зартасига дўстлар қозининг ҳузурига бордилар. Қози уларни қабул қилиб, қонун-қоида, хадису-шарифлардан айтиб мисоллар келтириб, одамгарчилик ва яхши фазилатлардан сўзлаб, икковини муросага келтириб, бирига оз, иккинчисига кўпроқ қилиб тўпланган маблагни бўлди, сўнгра уларга деди:

- Энди биродарлар, бу бойликнинг закоти, давлат божи, Қози ҳаққи, саҳоватли бўлсаларинг, етим-есирлар улушлари бор, деб икки дўстга бўлинган маблагдан тенг ярмидан кўпини чегириб қолди.

Мустахкам боғланган дўстлик ришталари орага тушган бойлик кучидан чилпарчин бўлди. Дўстлар бир-бирларига қараша олмай, қозининг жуссасига маъюс бош эгишиб ташқарига чиқдилар. Улар эсанкираган ҳолда бири чапга, бириси ўнгга бурилиб қилган меҳнатлари зое кетгани, ҳеч нарсага эга бўлмай, тўплаган бойликларини ўз қўллари билан қозига берганликларидан пушаймон бўлиб уйларига пазмон қайтдилар.

Дўстлик таянчи қулагач, ҳар икки оиласда афсус-надомат кучайди, файзу барокат ҳам кетди.

ПАРЧЕКИЧ ВА СИМЧЕКИЧ

Уй бекаси симчекич ёнига парчекич келтириб қўйди.

Симчекич парчекичга деди:

- Бунча бесўнақай ва беўхшов турибсан, мен бор ерда сенга нима бор, сенинг давринг ўтган, номинг ҳам ўчган, мен билан ёнма-ён туришинг ножоиз ва ўринсиз:

Парчекич унга жавобан:

- Яқинда дунёга келиб бунча талтаймасанг, мен кўп минг йиллардан буён хизмат килиб келаман, менинг парларим ҳатто шоҳларнинг тожи, маликалар сиймосини безаган, хамма нарсанинг

ҳар жойда ўз ўрни бордир, кераклигим учун олиб келишгандир, сени тиндирмай ишлатсалар, мени гоҳи-гоҳида азиз, обрў-эътиборли инсонларга салобатли патирлар ёпиш учун ишлатурлар. Энди билгандирсан бизлар-нинг ўртамиизда қанчалик фарқ бор.

Кўнглингга келганини патиллаб гапираверма, ўзингдан ўзинг ўзинга сўзлаб нодонлигингни номаён қилма,-деди мийигида кулиб.

Ҳар неки бўлса, ўз ўрни бор бунда,
Кераксиз кимсалар, нарсалар йўқдир.
Кеча дунё кўриб ушбу гулшанда
Талтайиб нодонлик қилмасдан ўлтири.

СИНГАН ЧИНОР

Йўловчиларнинг бири иккинчисига дебди:

- Бепоён сарҳадларга кўриниб, кўпларнинг жонига аро кириб соя солиб турган забардаст Чинор эди. Афсус, бевақт ҳазон бўлиб қолибди.

Иккинчи йўловчи биринчисига дебди:

- Ҳа, бу катта Чинорни ўз танасида улғайиб катта бўлган қуртлар кемиришиб, иchlарини нуратдилар, билъакс, унинг атрофида бошқа дарахтлар ҳам ўсмади, у ёлғизлик қилди, табиатдаги шамол, довул, бўронларга бардош беролмай, синиб нобуд бўлди.

Шижаатда шер-у, кучда фил бўлсанг,
Ичингда ёв бўлса, ҳолинг танг этар.
Кувватда Рустам, илмда даҳо бўлсанг,
Ножинсу, нодонлар бошингта етар.

ЛОЧИН ВА ҚАРЧИГАЙ

Қарчиғай тўсатдан ҳужум қилиб, ҳаёт ташвишида ўз юмушларини бажариб юрган беозор қумриларни ҳалок қилди.

Яна осмонга парвоз қилганида, самода Лочин билан учрашиб қолди. Лочин Қарчиғай билан самимий кўришиб унга деди:

- Қарчиғай, сен жуда ўзингга эрк бериб юбораяпсан, беозор, содда қушларни керагидан ортиқча нобуд қилмоқдасан. Бундай ҳаракатинг билан муозанатни бузиб, бошқаларнинг ғазабини келтириб, ташвишга солиб, ўзингга душманларни кўпайтирмоқдасан. Сен шуни ёдингдан чиқармагинки, қўлга ўргатилган, ўрганма қушсан. Агар хўжайининг сен ҳақинда ғамхўрлик қилмаса, бошқалар юкини енгиллатиш у ёқда турсин, ўзингни ҳам боқа олмай, нобуд бўласан. Башарти Аллоҳнинг хоҳиши-иродаси билан мода билан яшашга насиб этса, бир умр унинг измида яшайсан, чунки сенинг ўз фикринг йўқ, эркинг йўқ.

Қарчигайнинг жаҳли чиқиб, Лочинга деди:

- Кўп оғзингга эрк бериб, бўлар-бўлмас гапларни валдираиверма. Ҳозир хўжайинга бир оғиз сен ҳақингда ёмон фикр айтсан, ажалингдан аввал нобуд бўласан. Мен сенга нисбатан яхшироқ яшайман. Жонимни кўп қийнамай, роҳатда ҳаёт кечираман. Хоҳлаган нарсамга эришаман.

Лочин Қарчигайга деди:

- Сен хоҳлаган нарса, аввало, хўжайнингнинг истаги, унинг хоҳиш-иродасини бажарасан, у сен орқали ўз муаммоларини ҳал қилиб, топган-тутганингни хамир учидан патир деб, сени истагингни эмас, ўзи ҳоҳлаганини беради, сен мазлум, ҳаёт лаззатларидан бебаҳра бир бедавосан, ишқ-муҳаббати йўқ бир бандисан.

Мен эркин-озод қушман, шу курраи заминда, ўз насибамни ўзим топиб, бошқаларнинг яшашига ҳам ёрдам қиласман, янги тоза таомларни тановвул қиласман, ўзгалардан қолганини эмас. Қўлда берганга қуш тўймас. Ўз ақлинг, тасаввуринг, дунёқарашинг билан ҳаётни эътироф этиб яшашга нима етсин!

Бу мукаммал дунё, гўзал дунёдир,
Минг йил ҳам бир кундай ўтади, ўтар.
Умр лаҳзаларинг бўлсин тўтиё,
Хурликда эл билан яша баҳтиёр.

ДАКАН ХҮРОЗ ВА ТУСТОВУҚ

Темирхўжа қишлоғидаги ясси бир тепаликда Даканхўроз донлаб юрган экан. Унинг олдига Тустовуқ келиб қўнибди. Даканхўрознинг ҳаваси келиб, Тустовуқни суюбди ва ундан сўрабди.

- Ҳой биродар, дунёда нима гаплар, не хушхабарлар бор?

Тустовуқ дебди:

- Эҳ-ҳе, биродари азиз, дунё кезиб юрибман. Ер юзида буюк ўзгаришлар бўлмоқда, бу муazzам дунёning ишларига сенинг ақлинг бовар қилмайди.

Америка, Англия, Франция, Финландия, Германия, Голландия, Япония, Италия, Макка-ю-Мадина; яна кўплаб Швецарияга ўхшаган жантакон ўлкалар....

Ҳаёт нақадар гўзал, улуғвор!

Даканхўroz деди:

- Э, нималар деб вайсаяпсан, қаердаги йўқ оёқетмас, қўл тутмас мамлакатлар ҳақида гапирасан-а. Биздаги улуғвор ўзгаришларни кўрмаяпсан шекилли. Шу масканнинг ўзи менинг Америка, Лондон, Париж, Берлин, Рим, Макка-ю-Мадинамдир. Бог-у-баҳорим, жоним-жаҳонимдир. Жаҳонда бундан ортиқ гўзал, хушҳаво,

кўркам диёр, шаҳарлар бўлмас. Бутун дунёнинг гўзаллиги менинг ўлкамдан ортиқ эмас.

Тустовуқ мийигида кулиб, «сен бу ривоятни эшиш» деди:

- Катта йўл бўйидаги тоғнинг ён бағрида учта одам, ота-она ва ўғил тиланиб ўтиришар экан. Кунлардан бир куни уларнинг олдидан Жаброил Алайҳиссаллом ўтиб қолибди. Ота Жаброилга деди:

- Эй Жаброил, бориб яратган Аллоҳимдан сўрачи, бизларга ҳам яхши кунлардан ато қилганми ёки шундай ўтиб кетамизмикан?

Жаброил: «Хўп, сўраб кўраман», -дебди.

Жаброил Аллоҳнинг ҳузурига бориб, ўз ишлари юзасидан ҳисобот бериб, қайтаётib, яна уч тиланчи олдидан ўтаётганида, ота ундан сўровнинг жавобини билгиси келиб сўрабди.

Жаброил: Мен Аллоҳнинг ҳузурида бўлдим-у, лекин сўрашнинг имконияти бўлмади. Бу сафар сўрашга ҳаракат қиласман, -деб ўтиб кетибди.

Жаброил янаги сафар ўша ердан ўтаётib хурсандчилик билан уларга дебди:

- Мен Аллоҳдан сўрадим, у улуғ зот- буюк илоҳ, мийигида кулиб саҳоват қилиб, майли, биттадан тилак тиласинлар, берурман, мустажоб килурман, деб айтдилар.

Шунда учаласининг ўртасида можаро-мас-

лаҳат кенгаши бўлиб, энг захматкаш она биринчи бўлиб тилак айтадиган бўлибди.

Она тилабди:

- Эй худойим, мен ўн саккиз яшар қиз бўлиб қолайин, гўзалликда тенги йўқ бўлайин, шунда бир шаҳзода келиб мени суйиб, севиб қолиб, ўзига қаллиғ қилиб олиб кетсин.

Шу чоқда бир шаҳзода отини ўйнатиб қирқ нафар йигитлари билан ов қилиб келиб қолибди ва тог бағрида чехраларидан нур ёғилиб турган ёш ҳурлиқ қизни кўриб, унга ошиқу беқарор бўлиб, ўз муҳаббатини изҳор қилиб, ҳурлиқони отига миндириб олиб кетибди.

Тилак навбати отага келибди ва у тилагини шундай тилабди :

- Эй худо, мен бу аёл билан қирқ йилдан буён бир ёстиққа бош қўйиб яшадим, ўзинг бир ўғил фарзанд бердинг, кўрган оқибатим шу бўлдими? Бевафо кампиримни тўнғизга айлантириб қўйгин.

Тилакдан сўнг шаҳзода қараса, орқасида бир тўнғиз ўтириб, хўрт-хўрт қилиб келаётган эмиш. У қамчиси билан тўнғизни чунон урибдики, шўрлик тўнғиз чийиллаб, чакалакзорлар орасига қочиб кириб кўздан гойиб бўлибди.

Тилак навбати ўғилга келибди ва у шундай тилак тилабди :

- Эй пárвардиgor, ўзингдан ўзга илоҳ йўқ, ҳаётда неки бўлса, ўзингдандир, онажонимни ўз ёнимга қайтар, деб ялинибди, шунда уларнинг ёнига кампир келиб қўшилибди.

Улар учовлон турмуш ташвишлари, ғам-гусса, шоду баҳтиёрлик қўйнида асл ҳолатига қайтиб, ҳаёт кечира бошлишибди.

Қизик, бу гаройиб олам, Аллоҳнинг карами кенгдир, даргоҳи улуғ, яхши ният қилиб, дилимизни поклаб, ҳалол меҳнат билан яшайликчи, яна ўзи назар қилиб, тилагимизни берар дейишибди.

Сени Аллоҳ шу ерларга яратган экан, шу ўлкаларда яшаб ўтасан.

Даканхўроз кулимсираб дебди :

- Жуда оғзингнинг таноби қочиб қолибди, чамамда, ёнимга кел, бир қучоқлаб, эркалаб қўяй. Сен нега юз хил рангда жилоланиб товласан десам, ҳар жойдан ҳар хил ранг олиб, ундан бунга кўчиб учар экансанда. Бизнинг асли насли-насабимиз заминда ягона. Борликда ҳар биримиз ўзимиз ўзимизча бекмиз. Бизлар оддий, содда, самимий яшаймиз. Сен каби безотдан зот чиқмаган. Сен ҳам ушбу ривоятни эшит:

- Бир куни буюк аллома Ян Гусни ўтинлар устига боғлаб турғизиб, жоҳиллар ҳукми билан, ўт ёқишибди, шунда бир дона тараша четда қол-

ганини күрган бир кампир увол бўлмасин деб, уни оловга ташлабди. Ян Гус олов гулхани устида бу ҳолатни кўриб, кулиб, «табаррук соддалик» деган экан. Биласанми, унинг озгина қилган хатоси учун жоҳил нобакорлар ўтда куйдиришган эканлар.

Бизлар ҳам озгина килган хатоларимиз учун кўпгина товоң тўладик. Ёмонларнинг қилмиши ўзи хато, яхшилар адашади. Тақдир тақазоси ва замоннинг зайли билан асли наслимишни билганилар қўлларида кўтариб, кўксига босиб, бутун дунёни ўзлари сайр қилдириб юришибди. Шундай бўлса-да, камтарга камол деганларидек, бизларни камтарлик тарк этгани йўқ, ўзимизга яраша тақводорлигимиз ҳам бор. Тусимизни ўзгартиришдан Аллоҳ ўзи асрасин.

Бизларни Аллоҳ Дакан қилиб яратган, бу курраи заминда Дакандай юриб, Дакандай яшаймиз, бизларга на қушлар сардори Бургут ва на ҳайвонлар шоҳи Арслон хавф сололмайди. Чунки биз барчанинг кўзига тик боқамиз, бизларни ҳар доим буюк аждодлар руҳи қўллайди.

КАКЛИК ВА КОТИБ

Осмонўпар тофнинг анвойи гуллар, забардаст дарахтлар ўсган шаршараси ёқасида Как-

лик завқланиб томоша қилиб ўтирган эди, ёнига бир Котиб қуш келиб қўнди. Улар бир-бирла-ридан ҳол-аҳвол сўрашгач, Каклик Котибдан сўради:

- Қаерларда бўлдинг, нималарни кўрдинг, сўзлаб бер. Котиб чуқур бир хўрсиниб, сўзлай бошлади:

- Ҳе, биродар, бу дунёда хўп ажиб ҳангомалар кўп. Ер юзининг кўп қисмини томоша қилдим.

Жаннатмакон табиатлар, пурвиқор қишлоқлар, осмонўпар бинолар, обод юртлар, гўзал шаҳарлар, кўнгилочар ороллар..... Нимасини айтасан, уларнинг ҳаммасида Аллоҳ яратган улуғ зотлар-одамлар яшайди. Уларнинг орасида одамнинг фаришта ва азозилдан ҳам улуғ эканлигини ва ҳаттоки Яратганни ҳам унутиб қўйганлари бор. Одамга берилган қисқа умрни, ўзларига мангуга берилгандай ҳисоблашади. Ўзларини ўзларича ҳар хил синфлар ва табақаларга бўлиб олишган. Бир - бирларини осмонга кўтариб улуғлайдилар, яна бир-бировларини тумонот, залолат ва разолат ботқогига булғаб, таҳқирлаб хўрлайдилар. Ҳаётни, яшашни шу қадар мураккаблаштириб юборишганки, ўзлари яратган қоида-қонунларнинг сон-у саноги беҳисоблигидан уларни ўзлари тўла идрок қилиша олмайди-

лар. Ҳаммасининг ақли-заковати бир-биридан кам эмас, лекин асл донолар етишиб кўзга ташланиб қолса, ўз манфаатлари йўлида, қанчалик буюк онг соҳиби бўлишидан қатъий назар, уларни йўқ қилиб юбориш писанд эмас. Бу кимсаларнинг ўз ташвиши, иши, дунёқараши, яшаш тарзи, турмуши, алоҳида-алоҳида, ўзига хос. Бири иккинчисини инкор этиб, ўзининг ақллилигини намоён қилгиси келади. Улар буюк алломаларнинг фикрларини айтишадилар-у, кўпинча мулоҳаза қилиб, фикрлаб яшаб турган муҳитидаги қилаётган ишлари ва ҳаётларига тадбиқ этмайдилар. Бу ҳолдан баъзи одамларнинг чехраларида аламли изтиробларни кўрдим.

Ривоятларда айтишларича, олти турдаги одамларда шодлик аломатлари бўлмас экан:

- хасадчиларда,
- адоварчиларда,
- янги бойларда,
- хасисларда,
- мансабпарастларда,
- одоб-ахлоқ душманларида

Демакки, фаҳми-фаросатимча, шундайлар ер юзида анчани ташкил қилас экан. Катта-катта давлатларнинг подшо ва амалдорлари улкан, буюк ишларни амалга оширадилар, қирғин-барот қуроллар яратишга бош-қош бўладилар,

улар ўз манфаатлари йўлида турли элат ва миллатларни йўқ қилиб юборишади, охир-оқибат ҳаётнинг сўнгги дамларида, мансабларидан айирилишгач, от ва итларга меҳр қўйиб, уларни парвариш қилишга жазм қиладилар.

Ажабо, турфа олам, қизик дунё!?

Барибир хаёт яхши, яшаш ва яхши яшаш унданда яхши. Қаридим, энди умримнинг сўнги дамларини шундай жаннатмакон масканда, осойишта ҳузур-ҳаловатда ўtkазишни мақсад қилдим.

Бир донишманд, дунёдаги ёмон ходисалар ҳақида шундай деган экан:

- қариллик ва сустлик
- йўқчилик ва қашшоқлик
- нотоблик ва надомат
- ажал яқин келиб, бутун ишлардан узоклашмоқ.

Шу ҳолатлар менинг жисми-жонимга яқинлашиб қолди.

Котиб Какликка қараб:-Энди сен хазиналар сандигидаги жавохирлардан сўзла, зора қалбим таскин топса,-деди. Каклик хазиналар сандигидаги жавоҳирларни шундай сочди.

- Ҳай-ҳай-ҳай азиз биродар, бундай ноxуш фикрлардан йироқлашгин.

Умрингдан озгина қолган бўлса ҳам, қолган

умрни гўзал ўтказиш тадоригини кўргин. Бизнинг ҳаётимиз жуда содда ва оддий.

Мен шу яқин атрофда тоғлар ўрамидаги гўзал водийда яшайман. У ернинг одамларини ҳавас килса арзийди. Уларнинг турмуш тарзлари табиатга монанд - табиий.

Бир-биридан бой эмас, камбағаллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Сен кўпчилик меҳнатидан ҳосил бўлган бойликларни ўзлаштириб олиб, бойликка эга бўлганлар ҳақида гапирдинг. Эслик-хушлик одамлар бойлик ҳақида шундай мулоҳаза юритишади.

Тўпланган бойлик-бамисоли улкан бир чўғга ўхшайди, у чўғ кўпчиликни иситади, ҳузурлантириб роҳат бағишлийди, агар бир томонга қараб оқса, ёндиради, куйдиради, ўлдиради, кул қиласди.

Ҳар қандай бойликтан маънавий бойликни устун қўяман.

Жонга тан макон бўлганидек, ўша водий бизнинг жонимиз-жаҳонимиз. Водийда яшовчилар сардори аждодлар удумига кўра бир неча минг йиллардан бўён авлодлар довони бўйича ҳаёт ва яаш тарзини бошқариб келади. Аллоҳ берган ноз-неъматларни меҳнат, тенглик, адолат асосида биргаликда баҳам кўрадилар.

Ҳамманинг тураг жойлари яхши, эътиборга лойик, сардорнинг уйи пештоқига қуёш шаклига

ўхшаган олтиндан ясалган белги қўйилган. Улар ҳар қунги тонгда қуёшни меҳру муҳаббат билан кутиб оладилар ва оқшом палласида ўзларининг самимий дил изҳорлари билан қалбларида тўлиб тошган эҳтирос, завқу шавқ ила қуёшни кузатиб қўядилар.

Тунда роҳату фарогат билан дам олиб, ҳордик чиқаришиб, ёруғ кун-ёруғ жаҳондан унумли фойдаланиб, ҳар бир кунни байрамона руҳда ўтказишади. Уларнинг луғатида зино, мунофиқлик ва бошқа ёмон иллатларни билдирувчи, ҳақоратли сўзлар мутлақо йўқ.

Янги фарзанд дунёга келса, дил-дилдан қувонишиб, яратганга ҳамду санолар айтишиб, гўзал ўйин-кулгилар ташкил қиласидилар.

Ёшларга ҳаммалари бирдек ота-она бўлиб таълим-тарбия берадилар.

Уларда бир-бирларига нисбатан адоват, ёмонлик қилиш бош хужайраларининг нейрон қобиқларида йўқ, бир-бирларини мадҳ этиб яшайдилар. Яшаб турган атроф-мухитдаги барча тириклик дунёсига ножоиз озор етказишмайди. Уларнинг ҳаёт тарзининг содда ва мусаффо, беғуборлигидан касаллик уларга яқин келмайди. Улар тўрт мучаллари соғ-саломат ҳолатда жуда узоқ умр кўрадилар. Албатта баъзи тасодиф ҳолатлар бундан мустасно. Улар учун ҳаёт

абадий. Жон тани тарк этганида ҳаммалари түпланишиб, қўлма-қўл қилиб мархумни мангулик жойига элтиб қўядилар. Аммо улар билан ҳар куни руҳан тирикликларида гидай сўзлашадилар. Абадийлик шундадир. Шарм-ҳаё, ҳурмат, иззат-икром уларнинг дил ардоғидир. Улар ҳар бир тириклик дунёси билан меҳр кўзи, қалб кўри, дил сқзи билан тиллашадилар. Уларда сен айтганингдек беҳисоб қонун-қоидалар ва ақл бовар қилмас даражада бошқарувчилар йўқ.

Самимий, оддий ва содда яшайдилар. Барча баробар меҳнат қилиб, тонгла маҳшар ва оқшом паллаларида ҳаётдан завқланадилар. Arap ҳоҳласанг, юр, биз томонларга, бирга яшаймиз. Бу дунё ҳамма учун дилкушолик қилса, бизларнинг дилларимиз янада хушнуд бўлади.

Котиб Какликнинг таклифини хурсандчилик билан қабул қилиб, умрим сарчашмасининг кўрган, билган, мулоҳазали, ҳузурбахш қисми-ни зора мен ҳам сизлар билан шод-баҳтиёр яшаб, эзгу ниятларим амалга ошиб мангуликка йўл олсам деб, Каклик билан абадият водийсига қараб учиб кетди.

Мафтункор эртанги куй, ғазал,
Бугундан этанги кун гўзал!
Бугундан эртанги тонг қутлуг,
Бугундан эртанги кун улуғ!

БИЯ ВА ТОЙЧОҚ

Бия тойчогига деди: - Тойчогим, қулунжоним, менинг ёнимдан кетиб қолмагин. Атрофда ёвуз ва йиртқич ҳайвонлар күп. Улар сени нобуд қилиб қўйишлари мумкин. Сени не азобу қийноқларда дунёга келтиришимда, бу ёруғ жаҳондан кўз юмишимга бир баҳя қолган. Сен улгайиб катта бўлгин, олам жаҳонни кезиб яйрабяшнаб яшагин. Сендан аввалги ажоддларимизнинг кўпчилиги вояга етиб-етмай номард ғанимларнинг тазийиқлари ва панадан туриб отган ажал ўқларидан бевақт ҳаётдан кўз юмганлар.

Нақадар диловар, яхшилар эди-я. Ёмонга ўлим, яхшига кун йўқ дейишади деб хўрсиниб кўйди.

Тойчоқ: - Онажон, ёмонлар дўзахи бўлишадими? - деб сўради.

Бия жавоб килди:

- Ҳа, тойчогим, ёмон вафот этса, дўзах азоблари ва қийноқларини албатта тортади. Яхшилар жаннатнинг роҳат-фароғатидан баҳра олиб, хур бўлишади.

Шунда тойчоқ:

- Ёмонлар дўзах азобларидан қўрққанлари учун ўлимга шошилмас эканларда-деди.

«Ёшлик, бу-бебошлиқ» дегани,-эмас,

«Ақл ёшда эмас, бошда» ҳам дерлар.

Катталар ўгитин тушуна бориб,
Оқ-қорани фарқлаб яшайды эрлар.

КАРҚУНОҚ ВА КҮКҚАРҒА

Баҳор фаслида бир куни Карқуноқ билан
Күкқарға учрашиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб
қолишибди.

Суҳбатда дил гавҳарига гап келиб тўхтабди.
Күкқарға Карқуноққа дил гавҳарингни бергин,
бир кўрай,-дебди.

Карқуноқ Күкқарғага: - Сен катта, улуғроқсан. Аввал сен бергин, мен бир кўрайин деб
жавоб қилибди. Кўнгилчанг Күкқарға ўзининг дил
гавҳарини Карқуноққа берибди.

Карқуноқ абжирлик қилиб Күкқарғанинг дил
гавҳарини олибди-ю, жуфтакни ростлаб учиб ке-
тибди. Күкқарға Карқуноқнинг кетидан қувлай-
қувлай етолмагач, ғирром, ғирром, ғирром дея
такрорлайвериб, ўзининг оҳанрабо товушини
ҳам йўқотибди.

Ўшандан бери Карқуноқ ўз товушида ва го-
ҳида булбул бўлиб сайрайдиган бўлган экан.

Ишончини йўқотган Күкқарға эса бу ғирром-
ликка чидамай, нола қилар экан.

Ғирромлик ишончни поймол айлар,
Ҳавони совутар, бузар дўстликни.
Дунёда яхшилар севар ҳамиша,
Ҳалол лафзликни ва бир сўзликни.

* * *

Хаёллардек лазиз
Шалоладек шод.
Салом, сенга азиз,
Навқирон авлод.
Юзларинг жилмайди,
Қалбинг кулмоқда.
Вужудинг куйлайди,
Дўстим, шу чоқда.
Дил - кўнгил яйрайди,
Кўзларингда нур.
Ҳур танинг ўйнайди,
Жўшар тафаккур.
Сеники бу олам
Жаҳон ҳам, башар.
Борлиқ-коинот жим -
Сен-ла сўзлашар!

МУНДАРИЖА

Назиржон Сайдов. Ибратли рисола.....	3
Иброҳим хожи Зоҳиджон ўғли. Муаллиф ҳақида.....	4
Истиқлол муборак.....	5
Терак ва мажнунтол.....	6
Қарға ва ҳарсанѓтош.....	6
Тўтиқуш.....	7
Ирмоқ ва дарё.....	7
Чумоли ва Гўшт кетди.....	8
Бинолар.....	9
Тол ва Чинор.....	10
Яхши фазилатлардан бири.....	10
Ақлли Майна.....	10
Худхуднинг боласига насиҳати.....	11
Нур ва зулмат.....	12
Кундуз ва боласи.....	13
От от билан.....	13
Тулки-табиб.....	15
Мақтанчоқ Ҳакка.....	16
Бургут ва Товус.....	17
Бия ва Тойчоқ.....	18
От ва тую.....	19
Чаён ва қоплон	23
Бойўғилиар	24
Какку ва Кумри.....	25
Тош отдилар.....	26
Чумчук ва Фил.....	27
Ялқов билан Кийик.....	28
Сув ва Чойлар.....	29
Барг ва Кана.....	29

Очкүз Така.....	30
Дүйстлар.....	31
Хўрознинг насиҳати.....	32
Парчекич ва Симчекич.....	33
Синган Чинор.....	34
Лочин ва Қарчиғай.....	35
Дакан хўроз ва Тустовуқ.....	36
Каклик ва Котиб.....	41
Бия ва тойчоқ.....	47
Карқўноқ ва кўкқарға.....	48
«Хаёллардек».....	49

НАБАКА

**КҮНГИЛ ХАЗИНАСИДАН
ҚАТРАЛАР**

Мұхаррир: П.Абдулла.
Мусақхих: М.Усмон.
Компьютерчи X.Парпиев.

Босмахонага 09.03.2005 йилда берилди.
Босиши 24.03.2005 йилда рұхсат этилди.
Бичими: 30x42 1/8.
Хажми: 1,25 б/т.
Буюртма № 525 , Адади 550 нұсха
Бағоси көлишилгән нархда.

**«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ
босмахонасида босилди.**